

2 МАРТ
КУНИ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
БИРЛАШГАН
МИЛЛАТЛАР
ТАШКИЛОТИГА
ҚАБУЛ
ҚИЛИНДИ.

УНУТИЛМАС КУН

Ўзбекистон тарихига яна бир унутилмас кун ёзилди. Бу — 1992 йилнинг 2 марти. Баҳорнинг мана шу иккинчи кунда жаҳондаги қарийб барча мамлакатларни ўз сафига жипслаштирган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг 46-сессияси илк мажлисида яқдил овоз билан Ўзбекистонни ҳам ўз сафига қабул қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иккинчи жаҳон уруши тугагач, 1945 йилда ташкил топган. Бугунги кунда унинг аъзолари сони 175 тага етди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдураззоқов кўрсатилган юксак шараф ва ишонч учун 20 миллионли халқимиз номидан БМТ Хавфсизлик Кенгашига ва Бош Ассамблеясига миннатдорчилик билдирди.

«Аминимизки, минг йиллик бой маданиятга эга бўлган Ал Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва бошқа кўпгина алломаларни дунёга етиштириб берган Ўзбекистон халқлари умумбашарий қадриятларининг жаҳоншумул ҳазинасига муносиб ҳисса қўшадилар, давлатлараро муомала маданиятини Шарқ тажрибаси билан бойитадилар.

Биз БМТга аъзо бўлиб кирар эканмиз, унинг низомини, халқаро меъёрларини ва давлатлараро муомала қоидаларини, шунингдек, БМТ тарихига кирувчи халқаро ташкилотларнинг талабаларини тан олишимизни билдирамиз», деб таъкидлади Ўзбекистон ташқи ишлар вазири.

تاشک یولدوزی

ЎЗБЕКИСТОН
БОЛАЛАРИ ВА
УСМИРЛАРИНИНГ
ГАЗЕТАСИ.

ТОНГ

№ 16
(6488).
1992 ЙИЛ,
11 МАРТ
ЧОРШАНБА
Баҳоси:
обуначига — 5т.
сотувда — 30 т.

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган.

НОЛДУЗИ

Турғут ЎЗОЛ: «БИЗ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАН ОЛГАН БИРИНЧИ МАМЛАКАТ БЎЛГАНЛИГИМИЗ УЧУН ТУРКИЯ ФАХРЛАНМОҚДА»



Ўзбекистон ва Туркия халқларининг дўстлик алоқалари жуда узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бинобарин, бу икки халқ бир дарахтнинг икки шохидирки, танаси, илдири бири. Улар ўртасидаги борди-келди доимо илиқ, самимий бўлган. Бироқ...

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан босиб олинishi туфайли Туркия ва Ўзбекистон муносабатларига раҳна солинди. Айниқса, 1917 йилдаги Октябрь давлат тўнтарыши ва унинг оқибати сифатида дунёга келган «социализм лагери» бу икки жондош халқнинг дўстлик ришталарига жиддий тупур етказди. Улар бир-бирларининг ҳолидан беҳабар бўлдилар, қийин кунларда елкадош бўла олмадилар. Бири капитализм, бири эса социализм деб аталмиш жамятнинг қозонида қайнади. Хуллас, бу халқлар тарихи, тараққиёти ҳақида тўхтовсиз гапиришимиз мумкин. Ўзбекистонимиз тарихи ўзимизники, шу боис келинг, Туркиянинг тараққиёт йўлига бир бор назар ташлайлик.

ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

Бир тери тагида тана минг бор озиб, минг бор семирғандек, Туркия ўз тарихида бир неча бор гуллаб-яшнади ва бир неча бор иқтисодий бўҳронни бошидан кечирди. Ана шундай қийинчиликлардан сўнггисини у биринчи жаҳон уруши даврида ва у тугагач ўз жисмида санади. Мағлубиятга учраган Усмон салтанатининг ўзаги — ҳозирги Туркия тупроғи ҳам мустамлака бўлиш хавфи остида қолгач, генерал унвонига эга Мустафо Камол Ота Турк султонни сотқинликда айблаб, турк халқини ўз атрофига йиғди. Қарийб уч йил давомида тенгсиз курашлар олиб бориш натижасида Туркия мустақиллигини сақлаб қолди.

Тарих иккинчи жаҳон уруши даврида ва ундан кейин Туркияни яна бир синовдан ўтказди. Туркия бу урушда бетарафлик позициясини эгаллаган бўлса-да, СССР ҳукумати уруш тугагач ундан баъзи вилоятларни беришни талаб қилди. Туркия наҳот истаб НАТОга аъзо бўлди. Шу тариқа Туркия ва Ўзбекистон яна деворнинг икки томонида қолаверди.

Шукрим, мустақиллик туфайли бу кунлар ўтмишга айланди, Туркия ва Ўзбекистон мамлакатлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар кун сайин ривожланиб бормоқда. Утган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Туркияга ташрифи икки мамлакат муносабатларининг яхшиланиши ва ривожланишида тамал тоши бўлди. Туркияда Президентимиз бошчилигидаги делегация уч кун бўлиб, у ердаги қондошларимиз ҳаёти билан яқиндан танишишди. Туркия ва Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий, маданий ва фан-техника соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб, бир қанча шартномалар имзоладилар.

Уша учрашувлар натижаси ўлароқ бугун республикамизга Туркия мамлакатидан дўстлик ёрдамлари — озиқ-овқат карвонлари ва байрам совғалари келтирилмоқда. Эзгуликнинг ҳеч бўлмаганидан кўра, кеч бўлса-да бўлгани яхши. Бугунги кунда икки қардош халқнинг муносабатлари ҳар қачонгидан самимийроқ ва дўстонадир.

Бугун ўзбек халқи олдида ечилиши лозим бўлган бир қанча муаммолар — собиқ Иттифоқ хасталигининг асоратларини йўқотиш вазифаси турибди. Бу вазифани ечишда Ўзбекистон ҳукуматининг ўзига хос сийбасати, танлаган йўли бор. Бу йўлда унга Туркия йўлчи юлдуз бўлиши шубҳасиздир.

АЗИЗ АСРИМИЗНИНГ

Эътибор берсангиз, бугун Ўзбекистон днерида кўшакўша байрамлар бўлиб турибди. Неча йиллар давомида харитада кўримсиз бўлиб келган юртимизга ҳар кун ўнлаб меҳмонлар келишяптики, биз бу кунларни байрам демаслигимизга ҳаққимиз йўқ.

Туркия давлати билан ўрнатилган илиқ муносабатларимиз эса ҳаммасидан қувонарлидир. Чунки ўтмишда — чегаралар қаттиқ назоратда бўлмаган даврларда карвонларимиз бу ўлка заминидан тез-тез ўтиб турган. Савдо-сотиқ, тил, маданият соҳасида ажралмас бирликда бўлганимиз ҳам рост.

4 март куни мустақил Ўзбекистонимизга Туркия Республикаси Ташқи ишлар

вазири ташриф буюрди. Делегация аъзолари орасида Туркия маорифининг кўзга кўринган аёнлари ҳам бор эди. Улар Тошкентдаги бир неча илм масканларини зиёрат қилишди.

Хадрадаги гумбазида кўш акс этаётган болалар ва ўқувчилар Саройида меҳмон бўлишди. Туркия маорифчилари Саройдаги «жужу»лар (турклар ёш болани шундай аташди)нинг ўз қўллари билан яратган амалий санъатлари билан танишдилар, фольклор гуруҳларининг томшаларида қатнашдилар.

Халқ амалий санъати тўрагаги хонасида Навоий сиймоси туширилган каштани

АЗИЗ ОНЛАРИ

кўриб Меҳмед Эфўғлу узоқ туриб қолди. Кейин таржимондан каштанинг муаллифи кимлигини сўради. Каштадаги Навоий сиймосини ўқувчилар тайёрлаганини эшитгач, ниҳоятда ҳайратланди. Биз унинг Навоий бобомизга бўлган алоҳида ҳурматида қувониб, биринки савол бердик.

— Бизда Навоийни ҳамма танийди, — дейди М. Эфўғлу. — Лицейларимизда у ўқув дастурларига киритилган. Буюк ижодкорга нисбатан ҳурмат-эҳтиром сизларда ҳам улуг эканлигини мен билардим.

Меҳмонлар ўзбекистонлик болаларга ўзларининг энг чўнг тилакларини билдириб, дастхат қолдиришди:

«Қардош ўлка ўзбекистонлик болаларимизга озодлик ва мустақиллик йўлида соғлиқ, бахтиёрлик ва муваффақиятлар тилаймиз.

Ақром ЕНГИН,
Меҳмед ЭФЎҒЛУ,
Кемал КУЧАК».

Н. АЛИМОВ

Суратларда: туркиялик меҳмонларимиз ўқувчилар Саройи билан танишишмоқда.

Сураткаш Р. АЛЬБЕКОВ.



17-18 март кунлари Тошкентдаги «Баҳор» концерт залда Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси Марказий Кенгаши ташаббуси билан ногирон болалар ўртасида «Меҳрибонлик» хайрия фестивали ўтказилади.

«МЕҲРИБОНЛИК» ФЕСТИВАЛИ

Ўлкамизга Наврўз ўз гўзаллиги билан кириб келмоқда. Наврўз шодлик, бахт, уйғониш, нафосат, меҳрибонлик ва шафқат байрами. Шу сабаб ҳам шу кунларда вилоятларда, туманларда турли хил хайрия кечалари, меҳрибонлик акциялари ўтказилмоқда. Бундай тадбирлардан меҳрга муҳтож, ногирон, ўқсиз қалблар қувонишмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи ва жумҳурият Болалар ва Ўсмирлар Уюшманинг қўшма қарори билан 17-18 март кунлари Тошкентдаги «Баҳор» концерт залда ногирон болалар учун «Меҳрибонлик» хайрия фестивали ўтказишга келишилди. «Янги номлар» халқаро хайрия дастури доирасида ўтказилаётган бу фестивалнинг асосий мақсади ногирон болалар орасидан санъатга, бадний ижодга истеъдоди кучли бўлган, қизиқиши бор болаларни аниқлаш, уларнинг санъат, ижод

билан шуғулланишлари учун иқтисодий база яратишдир.

Фестиваль ташкилотчилари ва хомийлари бўлиши Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси, Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва «Сербенко» Швейцария Қўшма корхонаси бу кунларда жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидаги болалар уйлари ва мактаб интернатларидан чақирилган болакайлар учун турли қизиқарли тадбирлар мўлжаллаб қўйишган. Фестиваль иштирокчилари учун жумҳуриятимизнинг машҳур ва таниқли санъаткорлари концерт номерлари намойиш этишади. Шаҳардаги тарихий ёдгорликлар билан танишишади, уларнинг қўли билан тайёрланган ишлар кўргазмаси очилади. Ташкилотчилар Наврўзи олам айёми арафасида ўтказилаётган бу фестиваль болакайларга маъқул бўлиши учун барча яхши ишларни амалга оширишга шошилишмоқда.




«ҚОҒОЗ» ОПЕРАЦИЯСИННИНГ БАРЧА ИШТИРОКЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚАДРЛИ БОЛАЛАР, ЎҚИТУВЧИЛАР, ЖОЙЛАРДАГИ БАРЧА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМЛАРИ МУТАСАДДИЛАРИ! Аввал хабар қилганимиздек, тўпланган қоғоз чиқиндиларини Поп туманидаги Ўзбекистон томёпқич материаллари комбинати-га топшириш вақти келди. Макулатурани белгиланган манзилга элтиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Транспортга юклаш ва жойлаштириш қулай бўлиши учун қоғоз чиқиндиларини яхшилаб тахлаб, узилмайдиган қилиб боғланг.
2. Барча мактабларда йиғилган макулатура аввал туман халқ таълими бўлимларига келтирилиб, сўнг уюшган ҳолда вилоят халқ таълими бўлимларига жўнатилади.
3. Вилоят халқ таълими бўлимларидаги тайинланган вакиллар йиғилган макулатурани Наманган вилоятининг Поп туманига жўнатиш учун ўз жойларидаги темир йўл бўлинимасига керакли вагонга буюртма берадилар. Буюртма ҳар сафар навбатдаги ойнинг биринчи кунига кечи билан 15 кун қолганда

4. Вагон буюртма қилиш қоғози «Ст. Поп САЗ жд. код. 734501 к.т. «Ўзбеккровля» код. 3065. п. Исковут-19. Поп тумани, Наманган вилояти», деб тўлдирилади.
5. Топширилган макулатуранинг ҳар бир килограммига 1 сўм, бир тоннасига 1000 сўм миқдоридан ҳақ тўланади.
6. Йиғилган қоғоз чиқиндиларини белгиланган жойга элтиш учун юк машиналарини хўжалик раҳбарларидан ёки оталиқ ташкилотлардан олишингиз мумкин. Барча транспорт ҳаражатларингиз

ни «Ўзбеккровля» комбинати тўлайди. Қоғоз чиқиндилари келтирилган машиналарда вакиллар ўз хўжаликларидан ишлаштириш учун «Ўзбеккровля» комбинатидан келишилган нархда рубероид олиб кетишлари мумкин. Қадрли ўқитувчилар, халқ таълими бўлимлари мутасаддилари, ота-оналар! Сизларнинг болаларингиз, ўқувчиларингиз катта меҳнат қилиб, халқ хўжалигига фойда келтирадиган қоғоз чиқиндиларини тўплашди. Энди уларни белгиланган жойга етказишда ёрдам беринг, ташкилотчилик қилинг! Ана шунда ўз фарзандларингизнинг меҳнатини қадрлаган бўласиз.



Ўзбекистон томёпқич материаллари комбинатининг директори Тоҳир ака Каримов иқтисодий қийинчиликда қолган «Тонг юлдузи» газетасига комбинат томонидан ҳомийлик қилиниб, 30 минг сўм миқдоридан маблағ ажратилганлигини маълум қилди.

Биз комбинатнинг барча меҳнат жамоасига «Тонг юлдузи»нинг кўп минг сонли муштарийлари номидан катта миннатдорчилик билдирамыз.

ГОЛИБЛАРНИ
МУКОФОТЛАР
КУТМОҚДА!

ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Қадим-қадимдан халқимиз ардоқлаб келаётган ибратли одат бор — ҳашар. Ота-боболаримиз уй қуришадими, пахса уришадими, умуман ҳамма-ҳамма юмушларни донмо биргаликда, ҳашар йўли билан бажариб келишган. «Кўпдан қуён қочиб қутулмас» деганларидек, ҳашарчилар баб-баробар меҳнат қилиб, ишни битириб бўлишгач, тўқин дастурхон атрофида бир-бирларини сийлаб келишган. Ҳашар ҳозирги кунларда ҳам кўпчилик шаҳар қишлоқларда қўл келмоқда. Қадриятларимиз тикланиб, миллий анъаналаримиз ҳаётимизга чуқурроқ кириб бораётган ҳозирги шароитда ҳашар уюштириш, бундай ибратли анъаналаримиз, одатларимизни фарзандларимиз онгига ҳам ёшлиқданоқ сингдира бориш лозим.

Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг Наврўз айёмига бағишлаб 14 март кунини умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш ҳақидаги ташаббуси ҳамма жойда зўр қувонч билан қўллаб-қувватланмоқда. Ҳашар кунини ака-опаларингиз пойтахт маҳаллаларида, катта кўчалар ёнларида, мавзеларда янги боғлар барпо этиб, кўплаб мевали дарахт кўчатлари ўтказишни ният қилдилар. Шаҳарни тозалаш, ободонлаштириш билан бир қаторда ёрдамга муҳтож оилаларга, ногиронларга, фахрияларга ёрдам жамғармасини тўплаш борасида ҳам ибратли тадбирлар белгиладилар.

Азиз ўқувчилар, бундай ибратли, умумхалқ ишидан сизлар ҳам четда қолмайсизлар деган умиддамыз. Катталардан ўрнак олинг, улар билан ёнма-ён меҳнат қилинг! Кўчатлар экиб парвариш қилинг. Қариялар, ёрдамга муҳтожлар, ногиронлар ҳолидан хабар олинг. Улардан бир оғиз ширин сўзингизни аяманг!

Наврўз айёмида хайрия қилиш нияти бўлган меҳр-мурувватли инсонларга, мактабларга, ташкилот ва муассасаларга жамғарма ҳисобини эълон қиламыз:

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШ-САНОАТ БАНКИНИНГ МЕҲНАТ БЎЛИМИ.
ҲИСОБ РАҚАМИ — 005700007 КОД — 172682315.



«МЕНИНГ БИРИНЧИ КИТОБЧАМ»

ЖУМҲУРИЯТ ҚУРИҚ-ТАНЛОВИНИНГ ЯКУНИГА ДОИР

Ўтган йилнинг бошида эълон қилинган «Менинг биринчи китобчам» жумҳурият қуриқ-танловига 70 дан ортиқ қўлёзма тақдим этилди.

Мен танлов ҳайъати аъзоси сифатида айрим қўлёзмаларни кўздан кечирар эканман, кўрик иштирокчиларининг маҳоратлари анча ошиб қолганига амин бўлдим.

Мўъжизалар кўрмоқ истайман,
Олиб кетгин, мени, эй лочин.
Майда-майда ўрмоқ истайман,
Дугонамнинг — қуёшнинг
сочин.

Ушбу гўзал ташбеҳларга бой сатрларни Андижон туманидаги 47-мактаб ўқувчиси, танлов голиби Наргиза Алихонованинг «Ой билан суҳбат» китобчасидан келтирдим.

Наргизанинг шеърларини ўқир экансиз, ёш юракнинг самимий истак, ўртанишларига хайрихоҳлик билдирасиз...

Боғларда жимжитлик, сукунат
қолган,
Қайдадир мен севган қушлар
галаси.
Димоққа урилар оғир нам ҳаво,
Қайда қолди хушбўй гуллар
нафаси...

Хўжабод туманидаги 45-мактаб ўқувчиси Музаффар Аҳмедовнинг «Куз» шеъри аса ўзининг дардлиги, фикрларнинг теранлиги, жозибадорлиги билан кичини ҳайратга солади. Музаффарнинг бугунги шеърлари ёш шoir келажакга ишонч туғдиради. Унинг «Муқаддас азоб» китобчаси иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Танлов шартига кўра, китобчаларнинг қандай безатилганлигига ҳам катта эътибор берилди. Ўқувчилар бу ўзига хос мураккаб ишнинг уддасидан чиққанлигининг гувоҳи бўлди. Айниқса, Избоскан туманидаги 18-мактаб ўқувчиси Даврон Раҳмоновнинг «Орзуларга қайтган эй элим» китобчасига ишланган расмларни кўриб ҳайратга тушмасдан иложингиз йўқ. Равшанжон шеърлар ёзиш билан бир қаторда рассомлик сирларини анча пухта эгаллаган кўринади.

Танловда Наргиза билан биргаликда шофирконлик Шаҳобиддин Уриновнинг «Келажакдаги садо», Олтинсой туманидаги 36-мактаб ўқувчиси Зарифжон Қурбоновнинг «Соғинч» китобчалари ҳам биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Кўрик-танловда ўрин ололмаганлар ҳам бўлди. Улар руҳан тушмасликлари керак. Асосийси — орзу-ҳавасда, интилишда. Қерда яхшилик ва эзгуликка интилиш бўлар экан, ўша жойда тараққиёт, ўзгариш юз беради, келажакка ишонч туғилади.

Шундай қилиб, кўрик-танлов якунланди. Уни муваффақиятли ўтказишда танлов ҳайъати раиси, шоира Ойдин Ҳожиёва, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Абдусaid Кўчимов, Ўзбекистон «Китобхон» жамияти маъсул ходимлари Баҳром Иброҳимов, Муҳаббат Муродова, шoir Яҳё Тоға ва бошқа ҳайъат аъзолари бош-қош бўлишди.


Туроб НИЕЗ.

ВАРРАКЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Варрак сайли» халқ болалар ўйин-мусобақаси 21 март кунини Ўзбекистон

миллий боғи майдонида соат 10 да бошланади.

ТАШКИЛИЯ ҚУМИТА



Муҳаммад АҲМАД

Сиз болаликнинг тўпори кунлари онангизнинг ёнида, кўзларингизни мудроқ босиб, биқирлаб қайнаётган сумалакни кавлаганмисиз? Ўшанда кунданнинг аччиқ тутиндан кўзларингиз ачишгандир. Ҳаммасини қўяверинг. Дошқозонда ёқимли бўй таратиб турган сумалакни тўйиб-тўйиб ҳидлаганмисиз? Орангизда кайвони онажонларнинг қатор турган идишларга сумалак сузишини иштиёқлик билан кутмаган бола бўлмаса керак.

Мана, димоғларни чоғ қилувчи сабо ели кўтарилди, бутун оламга мушк-анбар ҳиди таралди — Баҳор келди. Турли қушлар осмонни тўлдириб қағиллашиб, чуғуллашиб паст-баланд учмоқда. Бир неча кун мобайнида ундирилган буғдойлар дошқозонга тушиб, элимизда сумалакхўрлик бошланди. Халқимизнинг ардоқли шодиёнаси Наврўзни сумалаксиз тасаввур қилиш қийин. Ота-боболаримиз сумалакни Наврўзнинг шох таомни, илк кўклам даракчиси, табиатнинг барҳайлигини ифодаловчи рамзий таом ҳисоблаганлар. Агар кексалар суҳбатига зехн билан қўлоқ турсангиз «Ҳафтада бир, ойда бир, йилда бир» деган нақлни эшитасиз. Бунинг маъноси шундай, яъни ҳафтада бир марта яхшилаб

ҳордиқ чиқариб, йилда бир сумалакка тўйган одам сира касалга чалинмайди, деганидир. Аждодларимиз сумалакни азиз таом деб билганлар. Бу неъматнинг бир томчисини увол қилиш, сотиш гуноҳ саналган. Уни биринчи марта ялаётганда энг яхши тилакларни ният қилишган. Сумалак пишаётган хонадонга фақат ювиниб, озода кийиниб боришган.

Сумалакни тайёрлашда қозондан бошқа ҳамма жиҳоз-

БАҲОРНИНГ ТАНСИҚ ТАОМИ

лар ёғочдан бўларди. Коса, товоқ, чўмич, капгир — жами-жамиси. Сумалакни таги олмасин, деб қозонга тош, ёнғоқ солишган. Ҳатто уларнинг сонининг ўзига хослигида ҳам халқимизнинг қадимий анъаналари кўзга ташланади. Жумладан, ургутликлар сумалак қайнаётган қозонга еттига ёнғоқ ва ўн учта тош ташлашади. Чунки, Шарқ халқлари аввалдан ўн уч одатига амал қилганлар. Сумалакни бутун қишлоқ ёки бир неча маҳаллалар бирлашиб катта дошқозонда тайёрлашган. Сумалак тайёрлашга қатнаша олмаган хонадонларга ҳам сумалак улашилган. Демак, сумалак бу хусусияти билан ҳамжиҳат ва тотувликни ҳам ўзида ифода этади.

Табиийки «Сумалак» сўзининг маъноси ва бу фаройиб неъматни тайёрлаш удумининг тарихи кўпчилиги қизиқтиради. Туркий халқларнинг улкан олим

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғатит турк», яъни «Туркий сўзлар девони» китобида сумалак хусусида шундай ёзган.

СУМА — ивтилган буғдой номи. У қуритиб туйилди. Сўнг ундан угра оши ва нон қилинади. Шарбат учун қилинган, ундирилган арпа учун ҳам бу сўз қўлланила-

унинг кўкати яхши кўкат» деб ичмоқ учун сувдан бир кўза тўлдириб олишга амр қилади. Арпа орқали ўтган ёки ундан сув чарчоқни олиб, меъда касалликларини даволайди. Бу сувни ким ичса, у янги йил арпа пишиғича касалликлардан муҳофаза қилинган бўлади».

Умуман, нодир қўлэзма,



ди. Демак, «сумалак» ишлатилган буғдой ёки арпа маъносини англатувчи қадимги туркий калом — «сума»дан келиб чиққан, сумалак пишириш удуми эса Ўрта Осиёда яшаган қадимий туркий қавмлар орасида азалдан кенг расм бўлган деб хулоса чиқариш мумкин.

Умар Хайём ўзининг шох асари «Наврўзнома»да сумалак ҳақида ёзиб қолдирган. «Сумалак — баҳорнинг улуғ ва танқис таомидир. Менгариоват айтадиларким, Хисравнинг отаси Хормуз арпа ўсиб ётган экинзор ёнидан ўтиб кетаётган экан. Арпага қўйилган сув экинзордан тошиб, йўлга оқар экан. Фарвандин ойи экан. Хормуз «Арпа емаклик дони:

илмий манба ва афсоналарда сумалакнинг қадимийлигини тасдиқловчи талай далиллар мавжуд. Шунингдек, сумалак билан боғлиқ бўлган жуда кўп азалий удумлар бор. Уларнинг айримларини фольклоршунослар ёзиб олиб, оммалаштирганлар. Масалан: 1916 йилда туғилган Дурсун момо Ураеванинг айтишича (Қорақўл туман, Ваҳим қишлоғидан олим Маматқул Жўраев ёзиб олган), сумалак учун ундирилган буғдой майсаси келида туюлиб, шарбати олинаркан. Кейин ўша шарбатдан озгинасини бир кўзачага олиб, қиз-жувонлар даврасига қўйишар, сумалак сайлига келган қиз-жувонлар эса ўзларининг бирорта

тақинчоқлари — зирак, узук ёки бошқа нарсаларини шу кўзачага ташлашар экан. Сўнгра уч яшар бола кўзачага қўлни тикиб, ҳалиги нарсаларни битта-битта чиқариб, эгаларига берар, кимнинг тақинчоғи чиқса, момолар ўша қиз, келинчақ ёки аёлга атаб қўшиқлар айтишаркан. Бу удумни ваҳим-

Буғдойни аввал олиб, Тахтага яйратамиз. Ҳафталаб сувни сепиб, Баҳордай яшнатамиз. Тайёр бўлган буғдойжон, Янчиб-янчиб эзилар. Суви сиқиб олиниб, Дош қозонга солинар. Сени қиларлар буғдойдан Ёғдан қўшиб қўярлар. Сувдан солиб керагича, Сўнг кавламоқ тушарлар. Узоқ осмону фалак, Қаерда ўттиз малак? Солмасанг тез-тез намак, Қачон пишур сумалак? Чақмоқ чақур камалак, Қозон тўла сумалак. Сайилдан олиб дарак Кўкдан тушди минг фалак.

Кўзғолсам тош қақирлар, Қувнар дилу бағирлар. Есин тўйиб ва тўйиб, Етим-осир, сағирлар... Ош таги чуқур-чуқур, Тошу капгир урушур. Олов ён гулдир-гулдир, Айнидй ҳаво улгур... Лола гул алвон-алвон, Сумалак берар дармон. Сумалак етмай қолган Бир умр қилур армон. Олов момо қўйнида, Етиласан, пишасан. Катта қора қозонда, Қайнаб-қайнаб тошасан. Сумалакжон, сумалак. Сумалакжон, сумалак. Мен сенга жон бағишлай. Сен пишиб чиққанинда Тўйиб-тўйиб бир алай. Баҳорнинг элчисан, Таомни бонгчисан. Мўл-кўллик даракчиси Сумалакжон, сумалак.

СЕВИНЧИМНИ ЎРТОҚЛАШАЙ

Онамнинг тоби қочиб, бироз истима қилгач, тушликка овқат пиширишга уннадим.

Масаллиқларни қозонга солиб, ора-сира синглим учун тўқий бошлаган пайпоқ билан андармон бўлдим. Аччиққина мастава ҳам пишди, пайпоқ ҳам тайёр бўлди.

— Раҳмат сенга, дастёргина қизим, — дея сочларимни силади онам. — Жуда мазали бўлибди.

Меҳнат таълими ўқитувчимиз Гўзалхон опа Маҳкамовадан тикиш, тўқиш, овқат пишириш каби ҳунарларни ўрганиб олганимиз қўл келганидан хурсанд бўлдим. Севинчимни эса дугоналарим Дилфуза, Умидалар билан ўртоқлашдим. Энди сизлар билан ҳам.

Муҳаббат ҒОФУРОВА,
Андижон вилояти, Балқчи туманидаги 50-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.

«Тоғ юлдузи»нинг аълочилилар бурчаги

Учинчи чорак давом этмоқда. Уни ҳал қилувчи чорак дейдилар. Шу боис масъулияти ҳам ортиқроқ. Бунни қўйида

суратлари чоп этилаётган ўқувчилар жуда яхши билишади. Ҳар холда уларнинг синф раҳбарлари ҳам шунга кафолат берадилар.

● Мурод ОМАНЛИҚОВ

— Жиззах вилояти, Зомин туманидаги «Еш куч» мактаби, 6-«А» синфи ўқувчиси. У яхши ўқиш билан бирга билганларини дўстларига ўргатишдан ҳам эринмайди.



ҚИСКА САТРАЛДАРДА

● Шерзод Оқўрғон туманидаги 6-мактабда ўқийди. Таътил кунларининг бирида у ўқитувчисининг уйига бориб, эшикни тақиллатди. Шерзодни кўрган устози ажабланди:

— Тинчликми, Шерзоджон?

— Дарсларни қачон бошлайсиз, ахир билганларим ҳам эсимдан чиқиб кетаяпти-ку? — деди Шерзод кўзларини пирпиратиб.

● 12-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Эркинжон аълочи бола. Бир куни уйда электр токи бўлмади қолиб, дарсини тайёрлай олмади. Ўқитувчиси «2» баҳо қўйди. Аламига чидай олмаган Эркин устозининг қўлига линейка билан уриб юборди.

Ўғлининг қилмиши учун ўқитувчидан аяси кечирим сўради:

— Кечирасиз, бироз эрқароқ ўсган, эси кириб қолар. Ҳафа бўлманг, илтимос.

— Ҳафа эмасман, — деди босиқлик билан

устози, — яқинда боғчада юрган бола-да. Аксинча, аълочи бўлишга интилаётганидан хурсандман.

● 249-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Равшан синфида ҳамма болалардан устун бўлишни хоҳлар, болаларнинг бошини ерга эгиб, «мендан кўрқасанми, айт сендан кўрқаман, дегин» дея зўравонлик қиларди. Унинг қилмишидан Санжарнинг аччиғи чиқар, дадаси болалар билан урушмагин, деб таъинлагани учун ўзини босиб юрарди. Бир куни дарсда тегажоқлик қилиб, тепиб ўтирган Равшанни Санжар жаҳл билан бир туширди. Равшан йиғлаб юборди. Санжарнинг ҳақлигини кузатиб ўтирган устози уни койи мади.

Шу воқеа сабаб бўлди-ю, Равшан болаларни урмайдиган бўлди.

Феруза ЖАЛИЛОВА тайёрлади.



ЗАМОН БИЗНИКИ


Кейинги йилларда қишлоғимизда мактабни битириб, олий ўқув юрғларига кирганлар сони озчиликни ташкил этади. Шунданми ёки ҳамма жойда қайта-қайта айтилаётган «пулинг бўлмаса, ўқишга кира олмайсан», деган фикрлар миямизга ўрнашиб қолганлигиданми дарсларга юзаки қарайдиган, ростини айтганда, яхши ўқимайдиган бўлиб кетдик. Синфимиз ўзлаштиришда энг охириги ўринга тушиб қолди.

Шундай бўлса ҳам иккинчи чоракни синфимиз ўқувчилари яхши баҳоларга тугатиб, учинчи чоракда ҳам кўнгилдагидек ўқишни давом эттирашми. Ўқув йили бошида синф раҳбаримизнинг ўтказган тадбири бунга сабаб бўлди.

Уни ўқитувчимиз кеча деб атадилар. Шу кечада улар ўтмишдаги маърифатпарвар кишилар, олимларнинг фаолиятлари, уларнинг хизматлари, курашлари ортидан фанимизнинг ривожланиши ҳақида расмлар, диафильмлар билан суҳбат ўтказдилар. Бизга келажакимиз ўз қўлимизда эканлигини, биз эса кундан-кун билимга интилиш ўрнига сусайиб бораётганимиз, бундай ҳолда жумҳуриятимиз келажак таҳликада эканлигини жиддий, ишонарли қилиб тушунтирдилар.

Ўйламанг, бир кеча сабаб аълочилар кўпайибди, деб. Муаллимларимиз Г. Менгбоева, К. Болтаев, А. Абдурашидов, Анора опа Эргашеванинг тез-тез ана шу мазмундаги учрашувлар, суҳбатлар ўтказгани ҳам сабаб бўлди. Олдимиздаги мақсад эса синфимиз билан учинчи чоракни аълога яқунлаш.

С. РАҲИМОВА,
Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги 42-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.



Тошкент шаҳридаги 14-мактабда эски ўзбек ёзуви ва араб тили фанларининг ўтилиши яхши йўлга қўйилган. — Уқувчиларнинг бу фанларга қизиқиши жуда юқори дейди. — ўқитувчи Абдусамат Хўжанов хурсанд бўлиб, — Кўпчилиги тугилмай ўқий олади.

А. МУҲСИМОВ суратга олган.

50 СЎМГА БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ

«Фарзандларимизни туғилган кунлари билан қўлаш учун дўконлардан муносиб совғалар, қўғирчоғу ўйинчоқлар топиш амри маҳол. Борларининг ҳам нархи осмонда. Газета орқали табрик эълон қилишнинг шартлари билан таништирсангиз» деб ёзилади бизга ота-оналар.

ФАРЗАНДЛАРИГА ТУҒИЛГАН КУНЛАРИДА КУТИЛМАГАН АЖОИБ СОВҒА ҲОЗИРЛАШНИ ХОҲЛОВЧИ ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзларингиз ёки қизингизнинг туғилган куни яқинлашмоқда. Газетада сурати босилган фарзандларингиз қувончини, кўзлари қувнаб ўртоқларига кўз-кўз қилишини бир тасаввур қилинг-а. Фарзанд қувончидан ортиқроқ бахт борми дунёда? Туғилган куни билан газета орқали табрик эълон қилдиришга аҳд қилдингизми? Ундай бўлса марҳамат, муҳарририятимизга келинг. Манзилгоҳимиз: «Октябрь инқилоби» бекати, Ленинград кўчаси, 32-уй. Газеталар корпусининг еттинчи қавати, 714-хона. Фарзандларингизнинг оқ-қора тасвирдаги суратини (рангли суратлар қабул қилинмайди) ҳамда тахминий табрик матнини олиб келинг, биз уни истаган вақтингизда эълон қилишга кафолат берамиз. Фақат кечикиб қолмай, олдиндан ҳаракат қилинг.


Шу ўринда сизни газета орқали табрик эълон қилдириш учун тўланадиган нархлар билан таништирамиз. Сурати билан табрик эълон қилдириш учун 50 сўм. суратсиз — 45 сўм миқдорда пул ўтказиш лозим.

Муҳарририятимизга келишингиз имкони бўлмаса, почта орқали «Тонг юлдузи»нинг қуйидаги ҳисоб рақамига пул ўтказиб, квитанциясини бизга юборсангиз, kifоя.

Ўзбекистон саноат-қурилиш банкнинг Тошкент шаҳар бўлими. Ҳисоб рақами: 000363106. Код: 172682328. Корр. с/с: 300166428.

Алоқа учун телефонлар: 33-44-25, 33-49-45. «ТЮ» тижорат дирекцияси.

Қизалогим Фарид! Бу баҳор 10 ёшингни қаршилайсан. Шу муносабат билан биз сени самимий қўлаймиз. Сихат-саломатлик, ўқишларингга ривож тилаймиз. Омад сенга ҳамиша ёр бўлсин.



Матёқубовлар oilаси. Хоразм вилояти, Дўржа шаҳри, К. Цеткин кўчаси, 8-уй, 1-хона.

Табриклиаймиз!

— Биласанми, Зулайҳо бахтли қиз экансан, — деди боғидек беўхшов табасум билан. — Сени бир йигит севиб қолибди. Мендан шунга ёзиб, бир хат бериб юборди, — у шундай деб, жавобини кутиб ўтирмай, камзулининг чўнтагидан икки бармоқ энли хат чиқарди. Зулайҳо рад жавобини бошлаб қўямасин деган ўйда тезда:

— Биламан, ҳали ёшман, ўйлаб кўришим керак демоқчисан. Ўйлаб кўр, синглим Хосиятнинг дугонасинан-ку, сенга ёмонлик соғинмайман — бир халис хизмат холос, — деди. Кейин Зулайҳонинг бир зумлик саросимасидан фойдаланиб, давом этди. — Севги ёш танламайди деган гап бор. Мана бизлар ҳам Хосим билан севишганимизда 7-синфда ўқирдик. Ҳозир ҳам яхши кўрамиз. Ота-онамиз ҳам эшитган. Кўникиб кетишган, индашмайди. Билсанг, ҳамма қизларниям болалар (йигитлар) яхши кўравермайди. — Сўнгра, у бироз ўйланиб турди-да:

кингина елкасига тегиб ерга тушди. У кутмаганди чоғи, бироз шошиб қолди. Сермаланиб хатни қидираркан, нуқул бир гапни такрорларди.

— Кўрамиз ҳали, шундай бўлсинки, кўрамиз ҳали? Зулайҳо унинг нима дейётганига эътибор қилмади. Руҳи алланечук енгил тортиб, негадир ўша хатни ким ёзганини билгиси келиб қолган, ким ёзиши мумкинлиги ҳақида ўйларди. У ўша тун Нозигул айтгандек бахтли эди. Барча ташвишларни унутган, қалбига аллақандай қувонч сездирмай кириб уни шу қадар маст этгандики, ўзини қўшдек енгил сезарди. Шу сабаб Нозигулдан хафа бўлмади. Айни пайтда уни ранжитганини ҳам тезда унутди. Ўша оқшом пахтазордан эсаётган кеч кузнинг наммуш шамоли ҳам унинг қувонч, айни пайтда ҳадик аралаш сеvincини бузолмасди. Олис-олисида ўкириб ишлаётган «ворох»нинг овози эса ўша тунда мунгли, сеҳрли ва жозибали туюларди. Зулайҳо буларнинг барчасига ҳам эътибор бермади. Тузукроқ ўйлаб кўрмади. Мен ёшман,

Бит тўғрисидагиси унчалик ранжитмади. Ёлғонлигини, эртасигаёқ қизларга рост маълум бўлишини биларди. Шу боис қоронғуликда эшитган гапига парво ҳам қилмади. Фақат Хосият опаси Нозигулнинг ёнига ўтиб ётгачгина, хаёлини йиғиб, печкадан сал нарида, уюб қўйилган этаклар устига ўтирди. Бошини чангаллаганча полга кўзини қадади. Хаёллари шунчалик узук-юлуқ эдики, жамлаб олишнинг уддасидан чиқолмай, нуқул «нима қилиш керак?» деган фикр миясидан кечарди. Ниҳоят, у жавоб топгандек ўрнидан турди. Атрофга аланглаб, ўз кўрпа-ёстигини ахтарди. У шундоқ ёнида, ёстиғи этакларнинг орасида экан. Бу ўзи учун жой шу атрофда эканлигига ишора ҳам эди.

Ҳашарчи қизлар ўзлари билан биттадан кўрпа ва ёстиқ олиб келишган эди. Ҳар бири ўзига шерик топиб, ўрин ҳозирлар, бирининг кўрпасини икки кишига мослаб тўшар, яна бир кўрпани эса ёпиниб ётардилар. Зулайҳо Хосият билан шу йўсинда бир тўшакда ётарди. Унинг кўрпаси анча уриниб қолган, айни патда тўшашга мос — сезиларликкина қалин эди. Хосиятнинг оқ чойшаба солинган кўрпасини эса ёпиниб ётардилар. Бугун Хосият пиқ-пиқ йиғлаб бандга — опасининг ёнига ўтиб кетди, юзини ёстиққа босганча йиғлашда давом этарди...

Зулайҳо эриниб, тўғрирогини ҳафсаласизлик билан кўрпасига қўл чўзди. Ёниб тўшаб, бир четига пахталик пиджак ва унинг устидан ёстиғини қўйди.

Ўз қилган ишларига бироз муддат тикилиб турди-да, пойгакка ўтиб чироқни ўчирди. Қайтаётиб, тўшакни бузиб юбормаслик учун бутун вужуди кўзга айланиб, қоронғуликка тикилди. Шундагина кўнглида ўзига ачиниш, хўрликка ўхшаш бир нарса пайдо бўлди. Йиғлагиси келди. Бирок тўшакка ётгач, тезда унутди.

Зулайҳо ўша тунда йиғласа, раҳми келиб қизлардан бирортаси ёнига келар, бирга ётишни таклиф этган бўларди. Бахтта қарши ўшанда ундан «пиқ» этган товуш чиқмади. Маъжолсиз кўзларини шифтга, қоронғуликка бемаъно тикканча тонгни оттирди.

Мен қизларга самоварчилик қилардим. Ўша куни чойни қайнатиб, опшаз холага қизларни уйғотишни айтмоқчи бўлиб бордим. Хола ҳам уйроқ ётган экан, шекилли, деразини тақиллатишим билан ичкаридан «ҳа, ҳозир» деб жавоб берди.

Ошпаз хола озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган хонада бир ўзи ётарди. Бу хона шийпондан алоҳида қурилган бўлиб, хола уни иссиқлиги ҳамда қизларнинг гала-говуридан узоқлиги учун яхши кўрарди. Ўқитувчиларга ҳам шуниси маъқул эди. «Продукталарга ҳам кўз-қулоқ бўлиб турарсиз-да», дерди улар. Хуллас нима бўлгандаям хола қош қорайиб, ўқувчилар оби ёвгонини еб бўлишгач, шу хонага кириб оларди. Хона шийпоннинг

(Давоми бор).



Темур ЭШБОЕВ

ҲИКОЯ

— Ҳозирча, «свидания», бало-баттар деб, бошингни қотирмайди, бу ёғидан кўнглинг тўқ бўлсин. Тўққизини битиргунча бу ҳақда оғиз очмасликни мўйинига! қўйганман, — деб хатни чўнтагига солди. Зулайҳо шиддат билан хатни қайтариб бермоқчи эди. Нозигул бир қўли билан унинг биллагидан ушларкан, иккинчисини билан секин сийпаб:

— Шошилма, аввал ўйлаб кўр, — деди. Зулайҳо бир пас ўйланиб турди. Нозигул унинг қўлини бўшатди. Мана бу бошқа гап, дегандек у ўз ишидан мамнун, боғидек совуқ илжайди.

Бунда галаба нашидасидан бўлак, яна бир мамнуният бор эдики, у Зулайҳонинг жудаям гашини келтирди. Шундай бўлса-да, у хаста бир овоз билан:

— Йўқ, қўйинг, мен ҳали ёшман, хат олишга ёшлик қиламан, ўйлаб ҳам кўрмайман, — деди ва кутилмаганда чаққонлик билан чўнтагидан хатни чиқариб Нозигулга тутди. Унинг олишини кутиб ўтирмай, юзига қарата отиб юборди. Тўғри отиб юборди демаса ҳам бўлади. Хат Нозигулнинг бўйи баравар кўтарилди-да, се-

деганида, ўйлаб иш тутганида, сезиб-сезмай севилганидан қувонганида болалигидан айрилган эди.

Зулайҳо ўзларининг ётоқхоналарига етиб келганида дугоналари кечки овқатни еб, дастурхонни йиғиштириб бўлишган эди. Эшикдан кирган жойда — пойгакдаги чўян печь ёнида Хосият (у ўша куни навбатчи эди) коса-идишларни ювиб олаётган экан. Зулайҳо эшикдан кирибонунга кўзи тушди: қовоқларини шишганидан йиғлагани биллиниб турарди. Кейин сўрарман деган ўйда нарироқ ўтмоқчи эдиямки, чироқ лип-этиб ўчди. Юқоридан:


— Сен пойгакда, ўша ёқда ётиб тур, бўлмаса ҳам-мамиз битлаб кетамиз, — деди қизлардан бири овозини бузиб. Зулайҳо ҳеч нимага тушунмай, тўғрирогини сал-пал тушунганини янада ойдилаштириш ниятида қоронғуликка тикилди. Шу пайт чироқ яна ёнди. Чироқни ўчириб-ёққан Нозигул экан. Зулайҳо билан йиғоқлари тўқнашганда маъноли илжайиб қўйди. Тўшакка ўзини ташлаб, бошини кўрпага буркаб олди.

Зулайҳо остонада анча пайт ўйчан туриб қолди. Хосиятнинг йиғлагани унинг ҳам кўнглини юмшатди. У бугун энг ёмон хабар — онасидан айрилиқ тўғрисидаги хабарни эшитсам керак, деб ўйлаган эди.

- 1. Бўйин — шева.
- 2. «ворох» — кўрак чувиш машинаси.

(Бошланиши ўтган сонда).

Газетанинг навбатдаги сони 18 март куни чиқади.



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.
Таҳрир ҳайъати:
В. ФАИЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), А. КҮЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ (масъул котиб).

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ
Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,
ЛЕНИНГРАД КҮЧАСИ, 32-УЙ.
Газета ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-71
Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаҳонаси.
Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй
Чоп этиш вақти — 18.00.
БУЮРТМА №30. НАШР КЎРСАТКИЧИ — 64563.